



FerDU.
ILMIY XABARLAR

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.
ФерГУ

6 / 2019

Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик тиллари контактига алоқаси.....	88
Ш.Турдиматова Функционимлар ва уларнинг тил луғат таркибининг макроқурилмалар тизимига мансуб ҳодисалар билан ўзаро муносабати ҳақида.....	92
М.Эргашев Инглиз ва ўзбек тилларида “феълли боғланиш” лисоний категория сифатида.....	98
Х.Исмоилов Суд нутқининг социолингвистик таҳлилига доир.....	101

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Г.Тиллабаева Биринчи тартибли чизикли оддий дифференциал тенгламалар учун кўп нуқтали чегаравий масала.....	105
М.Ахмедов, Х.Далиев, М.Онаркулов (ВIXSB1-X) 2TE3 поликристалл тензосезгир пленкаларнинг электронографик таҳлили.....	109
М.Хакимов, М.Маматкулов Табиий шарбат олиш учун мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган ШҚМ-18 қурилманинг амалдаги намунасини ишлаб чиқиш.....	112
М.Холиков Паразитизмнинг пайдо бўлиши ва оқибатлари.....	114
Ф.Адилов Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари ўртасидаги маданий ҳамкорлик алоқалари (кино ва театр соҳаси мисолида).....	116
Т.Тургунбаев Кимёвий қуролларнинг яратилиш тарихи, жанговар қўлланилиш тавсифи ва уларнинг инсон организмига таъсири.....	119
Э.Тажимирзаев Фарғона водийси қишлоқларидаги маданий муассасалар фаолияти тарихидан (кино санъати мисолида).....	123
Р.Аҳмедова Фарғона физиотерапия институтининг ташкил топиш ва фаолияти тарихидан (1923-1950 йиллар) ..	126
В.Ишқуватов Ўзбекистонда маҳалланинг моҳияти ва ўзига хослиги.....	129
К.Пулатов XX аср 50-йиллар охири 60-йиллар бошида Ўзбекистонда ижтимоий ва сиёсий ҳаёт (Фарғона водийси мисолида).....	132
С.Мўминов, Ш.Мўминов Мутолаа маданиятининг лингвокультурологик тамойиллари.....	135
Б.Жўраева «Қорамол» ЛМГи асосида шаклланган ўзбек халқ мақолларининг услубий хусусиятлари.....	137
М.Назирқулова 9-синфда Фурқатнинг “Фасли навбаҳор ўлди” ғазали матни устида ишлаш.....	140
М.Саидакбарова Қиссадан ҳиссанинг ғоявий-фалсафий функциялари.....	144
М.Деҳқонова Наим Каримов ижодининг ойбекшунослик тараққиётидаги ўрни.....	147
Ф.Анварова Бошланғич синфларда инглиз тилини тинглаб тушуниш орқали ўқитиш бўйича айрим тавсиялар	151
И.Қирғизов, Ғ.Нажметдинов, А.Исмоилов Муסיқий таълимда аждодлар меросидан фойдаланиш амалиёти.....	154
Ф.Эркабаева Замонавий маҳобатли рангасвир санъатида мусаввир ижодининг нафис чизгилари.....	156
А.Хасанов Ҳарбий таълим факультети талабаларининг ўқув йиғинлари даврида жисмоний машқлар билан шуғулланиш шакллари ҳамда воситаларини аниқлаш.....	159

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Аҳмаджон Қўшақович Ўринов	163
--	-----

БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография	166
--------------------	-----

ФАРҒОНА ФИЗИОТЕРАПИЯ ИНСТИТУТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШ ВА ФАОЛИЯТИ
ТАРИХИДАН (1923-1950 йиллар)

ИЗ ИСТОРИИ СОЗДАНИЯ И ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ФЕРГАНСКОГО ИНСТИТУТА
ФИЗИОТЕРАПИИ (1923-1950 годы)

FROM THE HISTORY OF CREATING AND ACTIVITY OF FERGHANA INSTITUTE OF
PHYSIOTHERAPY (1923-1950)

Р.Аҳмедова

Аннотация

Мақолада Фарғона шаҳрида 1923 йилда ташкил этилган Жисмоний усуллар билан даволаш институтининг 1923-1950 йиллардаги фаолияти, тарихи, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишдаги ютуқ ва муаммолари, кадрлар масаласи таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье анализируется история, деятельность, достижения и проблемы в оказании медицинских услуг населению, кадровый вопрос, а также деятельность Института физиотерапии в 1923-1950 годах, созданного в Фергане в 1923 году.

Annatasion

This article analyzes the history of the «Institute of physiotherapy» in 1923-1950, its activities, achievements and problems in providing the medical services to the population, the problems of personnel. Furthermore, the activity of the Institute of physiotherapy in 1923-1950, created in 1923.

Таянч сўз ва иборалар: физиотерапия, Н.А.Семашко, санаторий-курорт, С.И.Слоним, А.Д. Голенберг, Б.В. Бобохонов, лаборатория, стационар, Физиотерапия жамияти, эвакуация.

Ключевые слова и выражения: физиотерапия, Н.А.Семашко, санаторий-курорт, С.И.Слоним, А.Д. Голенберг, Б.В. Бобохонов, лаборатория, стационар, Физиотерапевтическое общество, эвакуация.

Keywords and expressions: physiotherapy, N.A.Semashko, sanatorium-resort, S.I Slonim, A.D. Glonberg, B.V. Bobokhonov, laboratory, hospital, Physiotherapy society, evacuation.

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш масалаларига жуда катта эътибор қаратилган. Айниқса, жисмоний усуллар билан даволаш хизматини ривожлантириш ва йўлга қўйишга алоҳида аҳамият берилган.

Республика тиббиёт тарихида ҳам аҳоли соғлиғини яхшилашга қаратилган умумий чора-тадбирлар тизимида жисмоний усуллар билан даволаш хизматини йўлга қўйишга доимо алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, совет ҳокимияти йилларида Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги буйруғига биноан Туркистон ўлкасида 1919 йил 6 февралда Н.А. Семашко номидаги илмий-тадқиқот институти ташкил этилган [3]. Ушбу институт 1922 йилда «Н.А.Семашко номидаги Туркистон физиотерапевтик усуллар билан даволаш институти», деб атала бошланган [2]. 1925 йилда эса, институт «Ўрта Осиё иқтисодий кенгашининг Марказий Осиё жисмоний даволаш усуллари илмий-тадқиқот институти» номини олган. Ушбу муассаса ўзининг кўп йиллик фаолияти давомида соғлиқни сақлашнинг умумий вазифаларига, санаторий-

курорт ва жисмоний усуллар билан даволаш хизмати сифатини ошириш масалалари бўйича кўплаб ишларни амалга оширган.

Институтга 1923 йилдан бошлаб физиотерапия ишини яхшилаш мақсадида хўжалик ҳисобидан ташқари, давлат томонидан ҳам маблағ ажратила бошланган [2]. Натижада, республика соғлиқни сақлаш тизими ва Н.А.Семашко номидаги институти томонидан аҳолига физиотерапевтик ёрдам тизими сифатини яхшилаш мақсадида Фарғона вилоятида «Жисмоний усуллар билан даволаш институти»ни ташкил этишга киришилди. Ҳамда 1926 йил февраль ойида ушбу институт ташкил этилди.

«Жисмоний усуллар билан даволаш институти»нинг айнан Фарғонада ташкил этилишининг ўзига хос сабаблари мавжуд эди. Хусусан, шаҳарнинг иқлим шароити, дарахтларнинг кўплиги танловнинг асосий омилларидан бири эди. Шунингдек, шаҳарнинг санитария-гигиена жиҳатидан яхши режалаштирилгани ва Фарғонанинг

Р.Аҳмедова – ҚДПИ тарих ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси.

денгиз сатҳидан 500 метр баландликда жойлашгани ҳам бу борада айтиш мумкин бўлган. Айниқса, шаҳар тоғларга яқинроқ жойлашгани учун ҳавоси ҳам мусоффо эди.

Шунингдек, Фарғона шаҳрида махсус тиббий ёрдам муассасаларининг йўқлиги ва тиббий ёрдам кўрсатиш анча орқанда эканлиги каби омиллар ҳам ҳисобга олинган [5]. Мазкур институт биноси учун «Қизил Хоч» жамиятига ажратилган жой танланган.

1923 йилда бошланган «Қизил Хоч» жамиятининг биноси қурилиши 1925 йилда тугатилган. Унга Москва ва Харьковдан тиббий асбоб-ускуна келтирилган. Н.А.Семашко номидаги илмий-тадқиқот институтининг директори С.И.Слоним, Фарғонада ташкил этилган институт физиотерапия йўналишида фаолият юритиши тарафдори бўлган. Доктор А.Д. Голенберг эса, институтнинг стационар типдаги даволаш муассасаси бўлиши тарафдори бўлган. У институт вилоятнинг шаҳарларида физиотерапия хизматлари очиш лозимлигини таъкидлаган.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш Халқ комиссарлиги доктор А.Д. Голенбергнинг фикрларини инобатга олган. Ҳамда 1926 йилнинг охирида поликлиника амбулаториядан катта бинога кўчирилган [5]. Унда диагностика ва терапия бўлимлари бўлган. Ҳамда рентген ва электр токи билан даволаш кабинетлари, сув билан даволаш жойлари ташкил этилган. Муассасада 1926 йилда клиник лаборатория ҳам бунёд қилинди. Институт 1927 йилда тўлиқ давлат бюджетига ўтган. Стационардаги ўринлар сони дастлаб 44 тага, 1928-1929 йилларда эса 60 та ўринга етказилган. Бундан ташқари шифобахш лой билан даволаш ҳам йўлга қўйилди. Шунингдек, Қўқон, Андижон, Марғилон шаҳарларида физиотерапия билан даволаш бўлимлари ташкил этилди.

Институтнинг очилишига қадар Фарғона шаҳрида 7-8 нафар шифокор фаолият юритган. Бу ерда лаборатория, рентген ускуналари бўлмаган. Институтнинг очилиши вилоят шифокорларини ўша давр тиббиёти учун янги бўлган усуллар билан таништириш имконини ҳам берган [5].

Аммо институтда малакали кадрлар ва мутахассислар етишмас эди. Жумладан, бу ерда бир нафар Н.А.Семашко номидаги институт томонидан жўнатилган шифокор-рентгенолог ҳамда 2 нафар ҳамшира фаолият юритган. Фарғона водийсидаги

ягона рентген кабинети ҳам шу институтда бўлган.

Институтга 1934 йилда доктор Б.В.Бобохонов директор этиб тайинланган. Унинг даврида институтнинг моддий-техник базаси анча яхшиланган. Жумладан, Б.В.Бобохонов раҳбарлигида институтда таъмирлаш ишлари олиб борилиб, жиҳозлар ва асбоб-ускуналар янгиланди [5].

«Фарғона жисмоний усуллар билан даволаш институти» аҳоли ўртасида нафат даволаш маскани, балки диагностика (касалликни аниқлаш) маркази сифатида ҳам эътибор топган эди [1].

Институт шифокорлари (Черништрастьянский, Бобохонов, Фетисов, Долгих, Нестировский ва рентген-техник Вебриниев) томонидан Марғилон, Тошлоқ, Қувасой, Шоҳимардон курорти, Андижон, Наманган, Қўқон, Фарғона шаҳарлари ва тўқимачилик фабрикасидаги физиотерапия ва рентген кабинетлари фаолиятини ўрганиб чиқилган ҳамда соҳага доир муҳим тавсиялар берилган. Ҳатто, 1936 йил май ойида институтда Фарғона водийси физиотерапия ва рентгенологларининг биринчи конференцияси ташкил этилган [5].

Жисмоний усуллар билан даволаш ишлари кўламини кенгайтириш мақсадида республикада «Физиотерапия жамияти» фаолият олиб борган. Ушбу жамиятнинг бошқарув аъзолари таркибини профессор Евсеев, Файбушевич, Фридович, шифокор Федорович, доцент Бобохонов, доктор Кетко, муҳандис Назаровлар ташкил этган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида республикадаги «Физиотерапия жамияти»ни Файбушевич бошқарган. Шунингдек, доцент Беньяминович, доктор Бравзе, Кашкинбоев, Акопян, Захарян, Козак, Иванов, Каширцов каби жамиятнинг фаол аъзолари урушга сафарбар қилинган. Урушга жалб этилмаган шифокорлар эвакуация қилинган госпиталларда фаолият юритган [5].

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан республикада «Физиотерапия жамияти»нинг кўрсатмасига биноан «Фарғонадаги физиотерапия институти» стационарининг иккита асосий бош биноси эвакуация госпиталига айлантилди. Ҳамда 3 нафар шифокор ва бир неча ўрта тиббиёт ходими эвакуация госпиталига кўчирилди.

1942-1943 йилларда институт базасида 4-сонли Москва тиббиёт институтининг клиникаси ташкил этилди. Уруш йилларида

институт яраланган аскар ва зобитларни даволаш билан шуғулланди [5].

Институтда 1945 йилнинг иккинчи ярмида жами 75 ўринга эга бўлган терапия, неврология ва гинекология бўлимлари, 1947 йилнинг баҳоридан бошлаб физиотерапия бўлимида қуёш билан даволаш майдончаси, ҳаво ваннаси қабул қилиш учун павильон, кумлоқ пляж, бассейн, шифобахш лой билан даволаш жойлари қайта тикланди [5].

«Физиотерапия жамияти» томонидан «Фарғона жисмоний усуллар билан даволаш институти»да 1927-1947 йилларда беморларнинг 12 минг 726 нафари стационар тартибда даволанган. Улардан 91,5 фоизининг аҳволи анча яхшиланган. Уларда қўлланилган физиотерапия йўли билан даволаш яхши натижалар берган [5]. Шунингдек, институт ўз фаолияти давомида Фарғона вилоятида физиотерапевтик шифохоналарни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратган.

Ушбу соҳада, айниқса кадрлар масаласида вазият мураккаб эди. «Н.А.Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти» томонидан жойлардаги бўлимларга кадрлар тўлиқ таъминлаб берилмаган. «Н.А.Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти» Урта Осиёда ягона бўлган. Ушбу институтда 1950 йилларда 100 нафар тиббиёт ходими фаолият юритган [6].

Республика миқёсида кадрлар тайёрлашга етарлича эътибор қаратилмаган, соҳада курортология ва физиотерапия бўйича амалиётчи шифокорлар ва илмий кадрлар жуда ҳам кам тайёрланган [7].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда мураккаб ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият ҳукм сурган даврда тиббий хизмат кўрсатишни тубдан ўзгартириш мураккаб вазифа эди. Чунки тиббий хизмат кўрсатиш ишини йўлга қўйишнинг моддий-техника базасини яратиш, малакали мутахассис врачлар тайёрлаш, тиббий профилактик муассасалар, амбулаториялар, поликлиникалар барпо этиш, уларни таъмирлаш каби масалалар катта маблағларни талаб қилар эди. Маблағ эса Марказнинг ихтиёрида бўлиб, Ўзбекистон ҳукумати моддий аҳволи ва тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ҳам сиёсий ва синфий мафкурага бўйсундирилган эди.

«Фарғона жисмоний усуллар билан даволаш институти»нинг фаолиятида ҳам ўзига хос муаммолар ва камчиликлар мавжуд бўлган. Улардан энг асосийси кадрларнинг етишмаслиги эди.

Шунга қарамай, «Фарғона жисмоний усуллар билан даволаш институти» аҳолига физиотерапевтик ёрдам кўрсатиш масаласида арзирли ишларни олиб борган.

Адабиётлар:

1. 1-е совещание физиотерапевтов и курортологов УзССР. Хроника. Труды Государственного научного института физиотерапии и курортологии им. Н.А.Семашко. Сборник III. – Т., 1935.
2. Шукуров А.А., Пўлатов Р.П. Узбекскому научно-исследовательскому институту курортологии и физиотерапии им. Семашко // Медицинский журнал Узбекистана. – 1979. – №5.
3. Наша газета – 1919 йил. – 9 февраль. Ўзбекистон Республикаси Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, Фонд-14, 1-рўйхат, 630-иш.
4. Ўзбекистон Республикаси Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, Фонд-14, 1-рўйхат, 690-иш.
5. Ўзбекистон Республикаси Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, Фонд-14, 1-рўйхат, 445-иш.
6. Ўзбекистон Республикаси Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, Фонд-14, 1-рўйхат, 373-иш.
7. Ўзбекистон Республикаси Илмий техник ва тиббиёт ҳужжатлари Миллий архиви, Фонд-14, 1-рўйхат, 533-иш.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).